



XALQ DEPUTATLARI QOROVULBOZOR TUMANI KENGASHI QARORI

2021 - yil 8 - oktabr

VI-46-31-2-38-K/21

Qorovulbozor tuman hokimligi

Туман ҳокими ўринбосари-инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиғининг туманда инвестициялар жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳисоботи тўғрисида

Туманда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ва хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Қоровулбозор туман ҳокими ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғининг ҳисоботини муҳокама этиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Қоровулбозор туман ҳокимининг ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи М.Рахматовнинг туманда инвестициялар жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қоровулбозор туман ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (М.Рахматов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Ғ.Норов), тегишли ташкилот раҳбарлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4937-сон қарори билан ишга тушиши ҳамда хорижий инвестицияларни ўзлаштирилиши бўйича тегишли чора-тадбирларини амалга ошириш;

инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, улардан мақсадли фойдаланиш, ушбу мақсадларда манфаатдор давлат идоралари билан ижтимоий шерикчиликни йўлга қўйиш лозимлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Қоровулбозор туман ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (М.Рахматов), тегишли мутасадди ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар негизида янги очилаётган корхоналарда янги иш ўринларини ташкил этиш, ҳудудий дастурнинг барча йўналишлари бўйича тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаш топширилсин.

4. Қоровулбозор туман ҳокимининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо бўлими (М.Рахматов) томонидан туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Ғафуров) билан биргаликда аввал хусусийлаштирилган ва фаолият юритмаётган корхоналар негизида инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши ва фаолият юритаётган корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳамда иш ўринларини сақланиши ҳолати доимий назоратга олинсин.

5. Амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чоракда халқ депутатлари Қоровулбозор тумани Кенгашига ахборот киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорати халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси



А.Остонов